https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

Нигора Кирйигитова,
ЖДПУ Ўзбек адабиёти ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси
qiryigitovanigora@gmail.com
+99893-303-58-18

КЎҲНА ҲАСРАТНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНИ

Аннотация

Ушбу мақолада таниқли шоир Эркин Воҳидовнинг “Бу кўҳна ҳасрат” шеърининг таҳлили мисолида шоир ижодидаги фалсафий тафаккурнинг бадиий ифодалаш ҳодисаси ўрганилган.

Калит сўзлар

фалсафий тафаккур, шеър таҳлили, байт, бадиий талқин

Эркин Воҳидов шеърияти ўзбек адабиётида янги босқичга олиб чиққан ижодкордир. Унинг ижоди соясида ўзбек адабиётида ҳақ гапни гўзал тарзда айтиш, чиройли ифодалаш, фалсафий тафаккурни бадиийлаштириш тамойиллари кучайди. Бу ҳақда адабиётшунос олим Йўлдош Солижонов “Руҳиятни ёндирган шеърият” номли мақоласида қуйидагича фикр билдирган: “У авлоднинг илк шеърлариёқ ўша пайтдаги жамиятда чуқур томир отган ёлғонга, сохталикка, баландпарвозликка қарши исён сифатида жаранглади. Аммо бу исённи очиқ-ошкора баён этиш мумкин эмасди. Чунки яккаҳокимликни бой бериб қўйишни истамаган коммунистик мафкура заҳарли тишларини қайраб турарди. Хайриятки, шеъриятда фикрни рамзий тимсоллар орқали ифодалаш, тиконни гулга ўраб “тортиқ” қилишнинг турли усуллари ва воситалари бор. 60-йиллар ижодкорлари ана шу усул ва воситалардан унумли фойдаланиб, одамлар юрагига кириб бордилар” [1].

[1] Солижонов Й. Руҳиятни ёндирган шеърият. https://adabiyot.islamonline.uz/adabiyotshunoslik/sheriyat/1281-maqola.html

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

Биз бу мақолада Эркин Воҳидов ижодида ўсиб-улғайган ва такомилга етган фаслафий тафаккур ва рамзий фикрлашнинг бадиий жилваларини биргина “Бу кўҳна ҳасрат” номли кичик шеър орқали кўриб чиқмоқчимиз.

БУ КЎҲНА ҲАСРАТ

“Ё Раб, қандоқ кунга қолдик, бу нечук савдо?

Одамларда на шафқат бор, на меҳру вафо?

Йигитларда одоб йўқдир, қизлар ҳаёсиз,

Хотин зоти кун ўтказмас бир можаросиз.

Қўйиб берса эл бир-бирин ўяр кўзини,

Овбошилар эса фақат ўйлар ўзини...

Дунё охир, биродарлар, йўқ энди ҳаёт,

Куни кеча тамом бўлди охирги мамонт..."

Қадим аждод ўкинч билан чўкиб сояга,

Бу сўзларни чўкич билан ёзди қояга[2].

Ушбу шеърнинг тарихий илдизи ҳам мавжуд. Яъни, файласуф Суқрот бир куни сафардалигида қояга ўйиб ёзилган қадимий қўлёзмани ўқиб қолади. Унда юқоридаги шеърда акс этган маънодаги сўзлар ёзилган эди. Шунда у шогирдларига инсоният азалдан ёшлардан кўнгли тўлмаслиги ва замонни охир деб ўйлаши ҳақида сўзлаб беради. Назаримизда, Эркин Воҳидов бу ҳикматни ўқиган ва бу шоирга қаттиқ таъсир ўтказган кўринади. Лекин ушбу шеърда ўкинч ва пушаймонликни эмас, балки фарғоналик инсонларга руҳиятига мос енгил кулгу ва кинояни англаймиз. Лекин қизиғи шундаки бу киноя шеър охиригача англашилмайди.

[2] Воҳидов Эркин. Умрим дарёси. Сайланма. 3-жилд. Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 92.

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

Умуман, шеърни мисрама-мисра таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Ушбу шеър маснавий шаклида ёзилган бўлиб, уни байтма-байт таҳлил қилиш имкониятини ҳам беради:

“Ё Раб, қандоқ кунга қолдик, бу нечук савдо?

Одамларда на шафқат бор, на меҳру вафо?

Шеърнинг дастлабки икки байтида биз ёши улуғ отахоннинг ҳасратини тинглагандай бўламиз. Дарҳақиқат, бу каби нолиш ва оҳ-зорларни болалигимиздан бери эшитиб келамиз. Маҳалла-кўй, қўни-қўшни, қариндош-уруғлар орасида. Энг кўпи, балки оила даврасида эшитамиз, эшитганмиз. Чунки азалдан Шарқда ўзини қари ҳисоблаш улуғворлик саналган. Шунинг учун ҳам 20 асрнинг 90 йилларигача ўзбек эркаклар 50дан ошгандан кейин соқол қўйишган, аёллар катта рўмол ўрашган. Уларнинг қиёфаси ва либослари қаторида жамиятдаги маънавий вазифалари ҳам ўзгарган. Энди улар жамият томонидан ёшларга ҳатти-ҳаракати ва турмуш тарзи билан ибрат бўладиган, насиҳат берадиган, тўғри йўл кўрсатадиган авлод сифатида вазифалантирилган ва оғир-босиқ табиатга эга бўлишлари талаб этилган.

Йигитларда одоб йўқдир, қизлар ҳаёсиз,

Хотин зоти кун ўтказмас бир можаросиз.

Шеърнинг навбатдаги байтида бу сўзларни айтаётган киши дарҳақиқат отахон эканлиги англашилади. Чунки, одамзод пайдо бўлибдики, эркаклар аёлларнинг, аёллар эса эркакларнинг камчилигини айтиб ҳузур қилишади. Шеър қаҳрамони бўлган отахон эса “хотин зоти” билан биргаликда йигитларнинг одобсиз, қизларнинг эса ҳаёсиз бўлиб бораётганидан ёзғиради. Дарҳақиқат, ўзимиз ҳам ёшимиз улғайган сари, ўзимиздан кичикларнинг ҳатти-ҳаракати, гап-сўзи ёқмаса, гарчи овоз чиқариб кимгадир нолимасак ҳам, “биз бу ёшда бу қадар эмас эдик” деб ўйлаб қўйганимиз шубҳасиз.

Қўйиб берса эл бир-бирин ўяр кўзини,

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

Овбошилар эса фақат ўйлар ўзини...

Навбатдаги байтда ижтимоий-маиший мавзудаги норозилик жамият миқёсига юқориламоқда. Одамларнинг бир-бирига шафқатсизларча муносабатда бўлиши “ўяр кўзини” ибораси орқали янада яққолроқ кўрсатиб берилаётган бўлса, раҳбарларнинг фақат ўзини ўйлашини ўқиган китобхон “дамак ҳамиша шундай бўлган экан-да” деб хулоса чиқаради. Бироқ бу ўринда ишлатилган “*овбошилар*” сўзи кишини ўйлантиради. Бу нима раҳбарларнинг янги номими? Ёки қандайдир терминми? Шу ўринда шеърхонда таажжубга тушади. Бу таажжуб шеърнинг кейинги мисраларига эътибор қаратишга ундайди.

Дунё охир, биродарлар, йўқ энди ҳаёт,

Куни кеча тамом бўлди охирги мамонт..."

Бу қўшмисрада ҳам *мамонт* сўзи ўқувчини ўйлантиради. Ахир мамонтлар қирилиб кетганига қанча замонлар ўтди-ку. Эҳ-ей... ёки бу сўз “ҳаёт” сўзининг тескариси бўлган қадимги туркий “момот”микин? Шеърхонни мисралар таажжубга солишда давом этади. Ниҳоят охирги байтда ушбу таажжубнинг ҳам ечими, шеър хулосаси берилади:

Қадим аждод ўкинч билан чўкиб сояга,

Бу сўзларни чўкич билан ёзди қояга.

Бу мисра билан ҳамма нарса аён бўлади. Ёши улуғларнинг ёшлардан нолиши, ёшларнинг бебошлиги, эрнинг аёлдан норозилиги қадимги ҳасрат эканлиги аён бўлди. Фақатгина бу эмас, қадим аждоднинг сўнгги мамонтнинг ҳалокатини кўргандаги тушкунлиги, дунёнинг охир бўлишига ишониши, унинг изтироб билан сояга чўккандаги қиёфаси, атрофидаги ҳали хароб бўлиб улгурмаган кўм-кўк табиат, хатто қушларнинг чуғури, йиртқичлар наъраси ва сувларнинг жилдиригача китобхон хотирасида намоён бўлди.

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

Худди у бу лавҳани яқин орада қаердадир кўргандай ҳис қилади ўзини. Мана бу инсон тафаккурининг кечмиш билан бугун орасидаги тафовутни кўз юма олиши. Дарҳақиқат, инсон тафаккури замон ва маконни фарқ этмайди. Мана бу умуинсоний муаммонинг янгича талқинидир. Яъни бу ижтимоий-маънавий муаммо ҳамиша долзарб. Лекин орадан неча минг йиллар ўтди. Қанча ҳайвон зоти мамонт каби йўқликка кетди, бироқ замон охир бўлишидан ҳали-ҳамон дарак йўқ. Демак бу қўрқув ортиқчами? Бу хавотир беҳудами? Юқорида айтилганидак, енгилгина киноя, юмор билан бойитилган шеър китобхонни кўп ўйлашга, тафаккур қилишга чорлайди. Зеро, шоирнинг ўзи айтганидек “Шеъриятнинг мавзулари, оҳанглари, ифода услублари ҳар даврда ўзига хос бўлади. Лекин бир нарса ҳамиша устувор: шеърият инсон қалбининг ҳолати эканлиги, унинг қувончи, муҳаббати, нафрати, соғинчи ифодаси экани – адабий”[3]. Шунинг учун ҳам шоирнинг фалсафий тафаккурининг меваси бўлган яхши шеър замон ва макон билмай яшайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Воҳидов Э. Шоиру, шеъру, шуур. Тошкент:Ёш гвардия, 1987
2. Воҳидов Эркин. Умрим дарёси. Сайланма. 3-жилд. Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 92.
3. Солижонов Й. Руҳиятни ёндирган шеърият. https://adabiyot.islamonline.uz/adabiyotshunoslik/sheriyat/1281-maqola.html

[3] Воҳидов Э. Шоиру, шеъру, шуур. Тошкент:Ёш гвардия, 1987. – Б. 15.